



ХАВАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 10 июль 27 (307) ● Сотувда нархи эркин

• Ранжнома

ТЕЛЕФОНИМИЗ ҚАЧОН ЯХШИ ИШЛАЙДИ?

Хурматли «ХАВАР» газетаси ходимлари!

Сизларга ушбу мактубни йўллашга телефонимнинг яхши ишламаслиги сабаб бўлди. Бизнинг жамоа хўжалигимизда 1975-1976 йиллари автомат телефон станцияси қурилган эди. Мана шунга ҳам йиғирма уч йил бўлди. Ҳозир ушбу АТС жиҳозлари эскирган, алоқа сифати эса тобора ёмонлашиб кетди. Аммо электромонтёрлар биздан телефон учун хизмат ҳақи сўрашдан уялишмайди. Коммутатор ходими эса биз гаплашмоқчи бўлган давлат ва жамоа хўжаликлари, бошқа вилоят ҳамда шаҳарлар билан боғланиш учун имкониятимиз йўқ дейди. Мана, бир ярим йилдирки ўзимизнинг маҳалладагилар ёки бўлмаса ком-

мутатор билан ҳам телефонда гаплашолмайман. Хўш, айтингчи, телефон яхши ишламаса, мен нима учун ҳақ тўлашим керак?

Олднлари уруш ва меҳнат фахрийси сифатида узоқ шаҳарларга саёҳатга борганимизда бемалол уйимиз билан боғлана олардик. Афсуски, ҳозир бу имкониятдан маҳруммиз. Энг ачинарлиси шундаки, биз касалхона, «тез ёрдам», ўт ўчириш хизмати, ички ишлар бўлими каби энг зарур хизмат идораларига ҳам кўнгирак қилолмаймиз.

Мен иккинчи гуруҳ ногирони-ман. Урушда орттирган жароҳатларим гоҳо безовта қилиб қолади. Ана шундай пайтда беминнат дастёр — телефоннинг хизмати керак бўлади. Бу гаплардан автомат телефон стан-

цияси бошлиғи Т. Ҳамробоевнинг ҳам хабари бор.

Кадрли таҳририят ходимлари, юқоридаги масалада бизга ёрдам беринглар деб хурмат билан

Давронбек ХАЛИЛБЕКОВ,
Сирдарё вилояти,
Мирзаобод тумани, Найман қишлоғида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси

ТАҲРИРИЯТДАН: Давронбек Халилбековнинг ушбу мактубида тилга олинган масалани «Сирдарё телеком» ҲЖнинг Мирзаобод тумани филиали маъмурияти кўриб чиқиб, найманликларга тегишли амалий ёрдам беришади ва бу ҳақда таҳририятимизга расмий жавоб хати йўллашади деган умиддамиз.



«Сурхондарё телеком» шуъба корхонасининг Термиз шаҳри филиали жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсата оладиган дастгоҳлар билан жиҳозланди. Ҳозир бу янгилик шаҳарликлар ва меҳмонларга катта қулайликлар яратмоқда. Бунда малакали мутахассислар — шуъба корхонаси ходимларидан олий маълумотли мутахассис Матлубахон Исманова ҳамда Шерали Юсуповларнинг ёрдами катта бўлмоқда.

Х.МАМАТҚУЛОВ олган сурат

МИННАТДОРМИЗ!

• Таҳририятга мактуб

Биз Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Мўминобод жамоа хўжалигида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар ҳамда обуначилар Мўминобод алоқа бўлими бошлиғи Ш. Мустафоев, почтачилар Ш. Абдурахмонов, И. Хўжамовларнинг кўрсатаётган алоқа хизматидан мамнунмиз. Бизнинг қишлоғимиз тоғли худудда жойлашган, шунинг учун алоқа хизмати кўрсатиш бирмунча

қийин. Лекин шунга қарамай алоқачилар аҳолига ўз вақтида, беминнат хизмат кўрсатиб келишмоқда.

Юқорида номлари тилга олинган алоқачиларга газета орқали ўз миннатдорчилигимизни билдириб, уларнинг меҳнатларида омадлар тилаб қоламиз.

Бир гуруҳ мўминободликлар номидан
Узоқ **АБДИЕВ**

• Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ақдиз» марказини қалбақлаштириш ва ғайриқонуний айлантириш учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» Фармон қабул қилди.

• Республика Олий судида экстремистик руҳда бўлган, ваҳобийлик ниқобида муҳожир жиноятлари амалга оширган бир гуруҳ жиноятчилар устидан ҳукм ўқилди.

• Наманган вилоят хотин-қизлар кўмитасининг наشري бўлган «Аёл ва жамият» газетасининг биринчи сони босмадан чиқди.

• Марокаш пойтахтида Жаҳон божхона ташкилотининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида республикамиздан ҳам вакиллар иштирок этишди.

• Чеченистон Бош вазири вазифини бажарувчи

Ш. Басаев ўтган ярим йил мобайнида ўз олдига қўйган мақсадига эришолмаганлиги учун истеъфога чиқди.

• Гонконгда янги халқаро аэропорт фойдаланишга топширилди. Унинг қурилишига 20 миллиард доллар сарфланди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• Халқаро валюта фонди мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириши учун Тожикистонга 128 миллион доллар кредит ажратди.

• Шимолий Ирландияда Миллий ассамблеяга сайловлар бўлиб ўтди. Мазкур мамлакат Миллий ассамблеяси таркиби 108 депутатдан иборат бўлиб, унга 18 округдан вакиллар сайланди.

• Жазоир ҳукуматининг

розилиги билан ушбу мамлакатта биринчи марта БМТ мақсадига эришолмаганлиги Унга Португалиянинг собиқ президенти Мариу Соареш раҳбарлик қилади.

• Дания пойтахтида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик

ташкilotи Парламент Ассамблеясининг сессияси бошланди. Унда 54 мамлакатдан келган парламент вакиллари иштирок этмоқда. Анжуман давомида сиёсий муаммолар, иқтисодий масалалар, демократик институтларнинг ривож буйича кўмиталарнинг ҳисоботлари тингланади ва таҳлил этилади. Сессия якунида бир неча резолюция қабул қилиниши кутилмоқда.

• Футбол юдузи Диего Марадона Аргентина жамоаси мағлубиятидан сўнг «Тўйиб йиғлагим келаяпти», деди. Маълумки, Аргентина миллий жамоаси Голландия футболчилари билан бўлган учрашувда 1:2 ҳисобда мағлубиятга учраб, кейинги босқичда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган эди.

Айни пайтда Аргентина матбуотида жамоа мағлубияти сабаблари битилган кўплаб мақола ва шарҳлар эълон қилинмоқда. Кимдир бунда жамоа мураббийсини танқид қилса, яна кимдир ўйинчиларни айбламоқда. Айримлар эса Голландия футболчилари Аргентина жамоасидан кўра чиройли ўйин кўрсатганини эътироф этишмоқда.

ЖОНКУЯР

«Андижон почтаси» ҳиссасдорлик жамиятининг Шахрихон почта филиалида обуна масаласига алоҳида эътибор берилди.

Бу борада айниқса филиал ходими Шухратбек Халиловнинг саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқдир. Жорий йилда у туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда қўлгина ташкилотлар ёрдамида 7 миллион сўмлик обунани уюштирди. Шухратбек одамларнинг маърифатли, маънавий баркамол бўлишларида матбуот нашрлари муҳим омил эканлигини жойларда эринмай тушунтиради. Ишининг натижаси ҳам шунга яраша бўлмоқда.

Яқинда захматкаш почтачи Шухратбек Халилов вилоят почта ҳиссасдорлик жамияти томонидан муносиб тақдирланди.

Сойибжон СУЛТОНОВ,
Файратбек ЮСУПОВ,
Андижон вилояти

Бундан 50 йил олдин Нина қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Онаси тажрибали болалар шифокорини излаб, шаҳарма-шаҳар кезди. Лекин ҳадеганда Нинанинг дардига даво топилавермади.

Шунда бир шифокор қизалоқни зимдан кузатди-да, иссиқ ўлкаларга бориб яшаса, дори-дармонсиз ҳам тузалиб кетишини айтди.

Ўшандан буён Нина Яковлевна Аксанованинг ҳаёт йўли Ўзбекистон билан, аниқроғи Фарғона водийси билан чамбарчас боғланди.

Андижон вилоятининг Избоскан туманида яшган йиллари шу ерлик ўзбек ўғлони Эрали Шералиевнинг қадди-қомати, рус тилида бемалол гаплаша олиши, маданияти Нина қалбига чўг солди. Уни кўрмаса туролмайдиغان бўлиб қол-

ди. Нинанинг очиқ чехраси, шўх ҳазиллари эса Эралини ром қилди.

Икки қалб муҳаббат ришталарини боғлаганларига ҳам 33 йилдан кўпроқ вақт ўтибди. Ўтган умр тотли, унутилмас лаҳзаларга бой бўлди. Фар-

даги радиоалоқа тармоғида масъул вазифада ишламоқда.

Ўз касбининг шайдоси Нина Яковлевна Аксанова «Андижон телеком» хиссадорлик жамиятининг Пойтуғ филиалида 30 йилдан буён

• Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

КАСБИНИНГ ШАЙДОСИ

занд кўришди. Байналмилал кичик оилада тўнғич фарзанд ўғил бўлди, унга меҳр-муҳаббат билан Алишер деб исм қўйишди. Кейин эса биринкетин икки қизалоқ дунёга келди. Раёно Москвадаги авиация институтининг муҳандис-конструкторлик факультетида таҳсил олмоқда. Марям Тошкентга турмушга чиқди. Артур исмли ўғилчаси бор.

Алишер отаси Эрали акадек физика-математикага қизиқди. Ҳозирда у ҳарбий қисмлардан бири-

телефончилик қилиб келаётир. 07, 09, 2-22-22 телефонлари бўйича ўз хизмат вазифасини сидқидилдан адо этиб, ўз жамоасида, маҳалласида обрўэтибор топди.

Шогирдсиз устоз мевасиз дарахтга ўхшайди. Нина опанинг Дилбар Иномхўжаева, Мавлуда Қорабоева, Муҳаббат Ҳайдарова, Мунис Хонкелдиева сингари телефончи-шогирдлари у билан ёнмаён ишлашмоқда.

Кўлдош
ҲОЖИМАТОВ,
жамоатчи
муҳбиримиз,
Андижон вилояти

ҚАДР

Инсон қадри ҳалол меҳнат ва заҳмат орқали топиладиган бир неъмат. Фидокорона меҳнатлари эвазига қадр топаётган юртдошларимиз орасида алоқачилар ҳам оз эмас.

Самарқанд вилоятининг саноат ва маданият марказларидан бири — Каттакўрғон шаҳрида қарийб 80 минг аҳоли истиқомат қилади. Шаҳар аҳолига почта хизмати кўрсатиш, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича барча имкониятлар ишга солинаётир. 5-алоқа бўлими шаҳар марказида жойлашган. Бўлимнинг биноси мўъжазгина, аммо шинам. Бу ерда хизмат қилаётган алоқачиларнинг бағри кенг. Айниқса, алоқа бўлими бошлиғи Венера опа Зобова меҳри дарё, ширинсухан аёл. У миждозларни ҳаммиша самимий қарши олади. Соҳада узлуксиз, 27 йилдан буён беминнат хизмат қилаётган опахон ҳар бир миждознинг қувончию ташвишига шерик. Аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш маданияти-

ни ошириш, почта юбортмалари, нафақалар, матбуот нашрларини миждозларнинг уйларига ўз вақтида етказиб бериш опанинг доимий диққат-эътиборида. Бўлим ҳудудида тўртта маҳалла, мингга яқин хонадон бор, қарийб олти минг аҳолига хизмат кўрсатиляпти. Алоқа бўлими почтачиларидан Зилия Аҳмедзянова, Дилором Дилмуродоваларнинг жонбозликларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ерда тўловларни қабул қилиш, матбуот нашрларига обуни таъкидлаш жоиз. Бу ерда тўловларни қабул қилиш, матбуот нашрларига обуни таъкидлаш жоиз. Бу ерда тўловларни қабул қилиш, матбуот нашрларига обуни таъкидлаш жоиз. Бу ерда тўловларни қабул қилиш, матбуот нашрларига обуни таъкидлаш жоиз.

Каттакўрғондаги 5-алоқа бўлими жамоасининг айни кундаги хизмати ибратга лойиқ.

Абдуазиз ҲОШИМОВ,
Самарқанд вилояти

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАСИ



«Имом ал-Бухорий»га бағишланган почта маркасини «Ўзбекистон маркаси» очиқ турдаги хиссадорлик жамияти тайёрлаб, муомалага чиқарди.

Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий IX асрда яшган ва 7275 та «Саҳиҳи-Бухорий» ҳадисини тўплаган муҳаддислардан ҳисобланади. Оммавий тарқалган юқумли касалликларга бу ҳадисларнинг илохий таъсири тўғрисида «Самарий» китобида батафсил ҳикоя қилинади.

Имом Муҳаммаднинг бобоси ислом динини қабул қилган оловга сигинувчилардан, отаси эса тарихни жуда яхши билган бахшилардан эди. Шунинг учун бўлса керак, Имом ал-Бухорий болалигидан тинмай ҳадисларни ёд олар ва ёзиб борарди. Бу ҳадисларни кейинчалик қонуншунослар «Шариат» қонунчилигига киритишган.

Имом ал-Бухорийнинг хоки Челак туманининг Хартанг қишлоғида макон толган. Бу жой муқаддас қадимжолардан ҳисобланиб, эъзозланади.

Имом ал-Бухорийга бағишланган ушбу маркада ўзбек миниатюрасидан бир лавҳа тасвирланган. Муомалага марка билан биргаликда рангли хатжилд ҳам чиқарилган.



Тошкент вилоятининг Паркент туманида Жанубий Кореянинг ДЭУ фирмаси билан ҳамкорликда ўрнатилган DTS-1100 A русумидаги электрон АТС муваффақият билан ишлатиб келинмоқда.

Суратда: АТС муҳандиси Рустам ЮНУСОВ АТСнинг бошқарув пультида.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

• Алоқа матбуот кўзгусида

ТИШДАН ҚУРИЛГАН МИНОРА

Франциядаги машҳур Эйфель минорасини ким билмайди дейсиз? Минора қурилгандан буён унинг модели турли материаллардан, ҳар хил катталикларда ишланган. Испаниялик Хуан Мерчан миноранинг яна бир антиқа моделини тайёрлади. У ўзининг қурилиши учун мах-

сус ишланган уч мингта сигир тишини танлади. Бундай йирик коллекцияни у кўплаб дўстлари ёрдамида икки йил йиғди. Сигир тишларидан тайёрланган бир метрлик минорага Мерчаннинг бир йилу 3 ой вақти кетди.

ХАТЖИЛДНИ ОЧМАЙ

Сарлавҳани ўқиб, «йўе!» дея ҳайратдан ёқа ушлагингизни сезиб турибмиз.

Бироқ бу бор гап. Гарчи хатжилдлар муҳраб қўйилган бўлса-да, ичидаги хатни бемалол ўқиса бўларкан. Бунинг учун Дейв Миллернинг Йоханнесбургдаги дўкончасидан бор-йўғи 95 рандга (Жанубий Африка Республикаси пул бирлиги), янги 32 АҚШ долларига махсус суюқлик сотиб олишас бас. Бу суюқлик хатжилдни очмай ичидагини ўқиш имконини беради.

БЕМИННАТ ПОЧТА ОРҚАЛИ

Индонезиянинг баъзи оролларида яшайдиган одамлар ўзаро шиша ёрдамида алоқа қилиб туришадди.

Денгиз тўлқинлари шишага солиб юборилган хатни бир кечаю-кундузда эгасига аниқ етказадди. Ҳолбуки, хат почта орқали юборилганда камда икки ҳафта йўл босади.

Фарбий Германияда жодугар ва сеҳргарлар қўлида даволаниш авж олган. Бундай табиблар қора мушукнинг қовурилган қулоғи, қурбақанинг кули каби дори-дармонларни тарғиб қилмоқдалар.

Сеҳрли дори-дармонларни почта орқали жўнатиш бюрolari ҳам ривожланиб кетган. Улар ўлик эчкилар, така мўғузи, хатто фил бургасини ҳам юборишлари мумкин.

• Мерос

Ўтган замонларда бир кўзи охири, бой-бадавлат йигит уйланибди.

Йигит уйига меҳр қўйган, яхши феълли мусулмон эди. Ҳар оқшом уйига кучоғини тўлдириб нарсалар олиб келарди. Хотини эрини қувонч билан кутиб олиб, ҳурмат кўрсатар эди.

Орадан йиллар ўтибди. Ул одамнинг иши бирдан орқага кетибди-ю бир кун уйига қўллари бўш келибди.

Хотини ақли оз, феълли ёмон ва тарбияси яхши

Аёл учун хожаси — эридан ортиқ неъмат бўладими? Шуни идрок эта олмайдиган, ақли кам одам бўлсанг сенга минглаб лаънатлар бўлсин!

Яхшилаб тинглагин! Севикли Пайғамбаримиз Ҳазрати Мухаммад (С.А.В.) Ҳадиси шарифларида бундай деганлар:

«Лилмаръати ситрону: Алқабри ваззавжу».

Юсуф ТОВАСЛИЙ

СЕНИНГ БИР КЎЗИНГ КЎРАР ЭКАН

эмаслигидан, эри уйга кира-кирмамас:

— Вой, Афандим, сизнинг фақат бир кўзингиз кўраар экан-а!.. — деб юборибди. Кўпни кўрган ул одам:

— Хоним, шу кунгача кўрмаганмидинг, — деб совуқ қонлик билан жавоб берибди. Бефаҳм хотини унга:

— Шу пайтгача кўлингизга қараб, кўзингизга қарашга вақт бўлмаганди, — дебди.

— Хоним, — жавоб берибди ул одам, — эрингнинг икки кўзи кўрди, кўр бўлмаса бош оғриқ қилиб, сен каби ақли қисқани олармиди?

Ота-боболаримиз: «Хотинларнинг сочи узун ақли қисқа бўлади» деганларида шундай хотинларни назарда тутган бўлсалар керак. Фақат ақли қисқагина ўзига берилган неъмат қадрини билмайди. Шу пайтгача эрининг кўзи кўрлигини кўрмай, айтмаган хотин энди кўрадими?

Маъноси: Бир хотиннинг ҳаётини, динини ва номусини, шараф ва ҳурматини кўриқлай олиши учун икки паноҳи бордир. Бири эри, иккинчиси эса қабрдир.

Эй ақли оз, фаҳми кам хотин, эрининг хотин учун қадри қанчалик буюк ва керакли эканлигини кўрдингми? Аммо бу мезон дини борлар учундир. Дини бор хотиннинг номуси бордир. Динсизларнинг номус мезонлари чор-субозордан олинадиган мол кабидир. Динсизнинг нимага ақли етса ўшандан фойдаланади. Бундай номус тушунчасининг динга алоқаси йўқ. Динда (дин мезонида) номус қуш кабидир. Агар сақланмаса, бир учи қайтиб келмайди. Номусли хотиннинг паноҳи эр экан, шунинг учун эрининг қадр-қимматини баянланд тутинг, унинг қадрига етинг, унга меҳрибон бўлинг. Ҳеч вақт кўнглини қолдирманг!

ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

Сизларнинг яхшиларингиз — узоқ умр кўриш билан бирга яхши ишларни қиладиганларингиздир.

Дўстларнинг яхшиси — Тангрини зикр қилишингизга ёрдами тегадиган ва ёддан чиқарганингда эслатадиганидир.

Хотинларнинг яхшиси эрининг кўзини қувонтирадиган, амрига итоат қиладиган ва у ёқтирадиган нарсани ёқтирадиган ва ёқтирмайдиганини ёқтирмайдиган бўлади.

Одамларнинг яхшиси —

одамларга фойдалироғидир.

Мўмин кишига берилган нарсаларнинг яхшиси чиройли хулқдир. Унга берилган нарсаларнинг ёмони эса, кўриниши чиройли бўлса-да, қалбида ёмонлиги бориридир.



Дўппи тикдим ипаклари тиллодан.

С. МАҲҚАМОВ олган сурат

КЎНГИЛ ДАФТАРИДАН

Дунёни ўз қаричингиз билан ўлчаманг. Уни тор деб ҳам тушунманг.

Илм-фан, маданият аҳлига эътибор сусайган жойда маънавият ривожланмайди.

Адолат бор жойда ноҳақликларга ўрин қолмайди.

Ҳаётда турфа одамларни кўрдим, бироқ чин дўстлар кам экан.

Ўйланмай айтилган сўз кимгадир оғир ботишини билсақда, барибир сўзлайверамиз. Нега шундай экан-а?

Бировни алдаш мумкиндир, бироқ виждонни алдаб бўлмайди.

Муҳаббат дардига мубтало бўлганларни кўрсам хавасим келади.

Гўдак учун она алласидек ёқимли кўшиқ йўқ.

Уйингда нон-тузингни ичиб, сени ёмонлагандан дўст чикмайди.

Ота оиланинг устунидир. Устун қанчалик мустаҳкам бўлса, оила шунчалик бақувват бўлади.

Муҳаббатсиз қалб безаксиз уйга ўхшайди.

Барча нарсани унутиш мумкиндир, бироқ дўст хиёнатини кечириб бўлмайди.

Муҳаббат синовларига ҳақиқий ошиқларгина бардош беради.

Иззат АҲМЕДОВ

• Бу — қизиқ

ТОШ ШАРТНОМА

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги музейида ажойиб бир экспонат бор. У дунёдаги энг биринчи тинчлик шартномасидир.

Эрамыздан аввалги 1290 йилда ёзилган бу ноёб ҳужжат Миср фиръавн ва хеттлар подшоси томонидан «имзоланган». Шартнома тошга битилган, матн сўнгига эса имзо ўрнига икки ҳукмдор рамзи — шахсий белгилари қўйилган.

ЯНГИ ЛАТИФАЛАР

Ёш дўхтир профессор устозидан сўради:

— Намунча бемордан кун бўйи қандай овқатлар еганини эринмай сўраб чиқдингиз? Нима, бу маълумотлар аниқ ташхис қўйишга ёрдам қиладими?

— Бу маълумотлар беморни қанчалик шилишимда асқотади.

Ҳиссадорлик жамиятининг мажлисида бош директор бошқарувни танқид қилади:

— Директорларимизнинг нақ ярми ҳеч нарсага қодир эмас!

— Қолган ярми-чи?

— Қолган ярмининг кўлидан ҳамма нарса келади.

Вокзалда куёв қайнонасини кузатмоқда.

— Поездимнинг жилишига қанча вақт қолдйкин, куёв бола?

— Бир соату йигирма дақиқа, уч лаҳза.

Бу йил ёзги таътилни жуда мароқли ўтказдим-да!

— Нима, денгизга бордингми?

— Йўқ, уйда бўлдим. Денгизга хотиним опаси ва болалар билан кетувди.

Уйда эр-хотин қий-чув қилиб, жанжаллашарди. Шу маҳал эшик тақиллаб, остонада ёш болақай кўринди.

— Сенга нима керак?

— Отам бу қизиқ кўрсатув қайси дастурда эканлигини билиб кел деб юборди.

МУАССИС:

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖҲРАБОВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТҮЛЕБОВ
Ёкубжон ХҲЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўриной АҲМЕДОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шохруҳ АКБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.

Факс: 136-36-42. ИНДЕКС: 64600. ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлғамалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0202. 8593 нусхада чоп этилди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБAA КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 21.00

ДУШАНБА, 13

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Тахлилнома».
8.40 «Ўзлик». Бадий-публицистик
курсатува
9.10 «Жаҳон спорти»
9.20 «Ўзбектеlevision» намойиш этади:
«Ешулли Хива». Премьера.
9.40 Лирик тароналар.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.25 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.45 «Фермер». Телетаново.
11.05 «Ахдаҳ ва қувш». «Акс-садо ҳақида
эртак». Мультфильм.
11.25 «Кекса санъаткорлар». Мусикий дас-
тур.
12.05 «Омад кўлдузи». Телеуйин.
12.35—14.00 «Аёллар тангоси». Бадий
фильм.
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Гаройиб орол». Мультфильм.
18.20 «Олам ва одам».
18.40 «Қунарманд». Тележурнал.
19.00 «Мулдо».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эъ-
лолар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Сўйганларим бор». Мусикий дас-
тур.
22.00 «Вазият».
22.15 «Дибнат». Хуқуқий-публицистик
курсатува.
22.50 М. Бобоев. «Кўнгли кўчалари». Ви-
деофильм 25-қў.
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

УзТВ-II

18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ерилош». Мульттўплам.
18.35 А. Алишбеов. «Ўзгаси ҳикоялар».
Биринчи курсатува.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълолар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Турим ҳақида».
20.20 «Мусикий лаҳзалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин марсо».
21.15 «Бурх ва маъсулият».
21.25 «Таггер». Телесериял.
22.15 «Даракчи» (рус тилида).
22.25 «Данк». Жаҳон рақслари.
22.45 «Бозор ва мулк».
22.55 Оханглар ва эълолар.
23.05 Киноғоҳ. «Шаҳрада».
00.45 Тунингиз хайри бўлсин!

УзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
17.20—20.40
Россия жамоат телевидениеси
курсатувлари
20.40 «Тоғ калапақлари». Телефильм.
21.00—21.35 РДТ «Вести».
21.35 Эълолар.
21.40 «Худди ота боладек». Бадий
фильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).
УзТВ-IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
курсатувлари
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
20.35 «Жаҳон».
20.55, 22.20 — Эълолар.
21.00 «Морена Клара». Телесериял.
21.45 «Умр бахори».
22.00 Хамкорлик.
22.25 Кинематограф. «Эгнар чашмаси».
23.50—24.00 «Хайри тун!».

СЕШАНБА, 14

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Бахтиёр». Фильм-концерт.
9.15 «Яшил чирок». Телемусобақа.
9.50 «Ўзбектеlevision» намойиш этади:
«Зардулар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Абитурientлар, сизлар учун!
Адабиёт.
11.00 «Соз сеҳри». Мусикий дастур.
11.30 Абитурientлар, сизлар учун! Мате-
матика.
12.05 «Шум боланинг саргузаштлари».
Мультфильм премьераси.
12.20 «Маърифат макани».
12.35 Кундузги санъ. «Палата». Бадий
фильм.
14.10 — 15.20 «Мен нечун севаман Ўзбеки-
стонни». «Тугилган ёр». 1-қисм. 2.
«Корақалқоқ киссаси». 2-қисм.
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Ерданчилар». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Чамандаги гуллар-
миз».
18.40 «Эл саломатлиги йўлида».
19.00 Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 7 йиллигига.
«Истиқлолим, сени куйлайман».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.30 — Эъ-
лолар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Экран куйлари.
20.05 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Акс-садо».
21.35 «Ешлар» телек нали.
1. «Сиз ва биз».
2. «Ешлар ва эстрада».
3. «Сочининг савдоси тушиди».
23.00 «Ўзгичинг намоян қили». Телетаново
жюни.
23.35 «Ахборот».
24.00 — 00.05 Ватан тимсоллари.
УзТВ-II
18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилош». Мульттўплам.
18.25 Ўвйой ҳайвонот олами.
18.25 «Онағнам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълолар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мултомоша».
20.05 «Мултомоша».
20.15 «Мултомоша».
20.25 «Мултомоша».
20.30 «Мултомоша».
20.40 «Мултомоша».
20.50 «Мултомоша».
21.00 «Мултомоша».
21.10 «Мултомоша».
21.20 «Мултомоша».
21.30 «Мултомоша».
21.40 «Мултомоша».
21.50 «Мултомоша».
22.00 «Мултомоша».
22.10 «Мултомоша».
22.20 «Мултомоша».
22.30 «Мултомоша».
22.40 «Мултомоша».
22.50 «Мултомоша».
23.00 «Мултомоша».
23.10 «Мултомоша».
23.20 «Мултомоша».
23.30 «Мултомоша».
23.40 «Мултомоша».
23.50 «Мултомоша».
24.00 «Мултомоша».

19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълолар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тадқим».
20.10 «Мусикий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггер». Телесериял.
21.50 «Даракчи».
22.20 Спорт китъаси.
22.30 «Кундалик».
22.40 Киноғоҳ. «Олти куну етти тун».
00.20 Тунингиз хайри бўлсин!
УзТВ-III
17.15 Янгиликлар.
6.30—8.00
17.20—20.40
Россия жамоат телевидениеси
курсатувлари
20.40 «Мутахассис».
21.00—21.35 РДТ «Вести».
21.35 Эълолар.
21.40 «Пошта». Публицистик курсатува.
22.10 «Шарқ киноси: «Дано Мандухай хо-
ним». (Монголия). Бадий фильм.
00.30—00.50 «Ахборот» (рус тилида).
УзТВ-IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
курсатувлари
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».
19.05 «Мусикий дақиқалар».
19.10 «Солук ҳақида сабоқлар».
19.25 «Онағнинг тилаги». О. Мадалиев.
19.55, 21.50 — Эълолар.
20.00 «Мухаббат тарихи». Телесериял.
20.45 Мусикий дақиқалар.
20.50 «Янги иқтисод».
21.20 Телефакт.
21.30 Хит-коллекция.
21.55 «Кўнук дастур».
23.15—23.25 «Хайри тун!».

ЧОРШАНБА, 15

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Янгра, дутор-танбурум». Мусикий
дастур.
8.55 «Соғлом аёлду учун». Спорт дас-
тури.
9.10 «Ортим жамол».
9.30 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «За-
ғиота».
9.40 «Рақс, рақс, рақс...».
9.50, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва тақдир».
10.30 Абитурientлар, сизлар учун! Био-
логия.
11.00 «Алифбо сабоқлари».
11.30 Абитурientлар, сизлар учун! Ўзбе-
кистон тарихи.
12.05 «Шум боланинг саргузаштлари».
Мультфильм премьераси.
12.20 «Нуроний».
12.40 Кундузги санъ. «Қўр музикачи».
Бадий фильм.
14.10—14.30 «Саргайган саҳифалар». Ада-
бий курсатува.
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо давраси-
да».
18.40 «Шеър ва шўр».
18.40 «Ислохот масъулият».
19.00 «Мулҳис ёхуд қўшқ изидан...»
Мусикий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эъло-
лар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури —
«амал»».
20.10 «Оқшом эртақлари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодий норраҳаларида».
21.20 «Аёл қалби наволари». Концерт.
22.00 «Парламент соати».
22.20 М. Бобоев. «Кўнгли кўчалари». Ви-
деофильм. 24-қў.
23.00 «Бирдан бир миллионча». 1-қисм.
23.25 «Ахборот».
23.50 — 23.55 Ватан тимсоллари.
УзТВ-II
18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилош». Мульттўплам.
18.35 «Жосулар». Хужжатли сериял.
19.05 «Дойне Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълолар.
20.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тарона».
20.10 «Билмиб қўйган яхши».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Худуд».
21.30 «Келин-кув». Телешоу.
22.20 «Нихо».
22.40 «Даракчи».
22.50 Оханглар ва эълолар.
23.00 Экранда — детектив.
00.30 Тунингиз хайри бўлсин!
УзТВ-III
16.30 Янгиликлар.
16.35 Болалар учун. «Эртанамо оршан-
ба». Кинокурсатува.
6.30—8.00
17.50—20.50
Россия жамоат телевидениеси
курсатувлари
20.50 «Гуллар юртининг дурдоналари».
Телефильм.
21.00—21.35 РДТ «Вести».
21.35 Эълолар.
21.40 «Шоҳсура сари йул». Спорт дас-
тури.
22.00 «Кутилмаган меҳмон». Бадий
фильм.
23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).
УзТВ-IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
курсатувлари
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».
19.05 «Сўхбатдош».
19.25 «02» тўлкинда.
19.35 «Мушоҳадалар».
19.55, 21.20 — Эълолар.
20.00 «Ахборот» (рус тилида).
20.45 «Жаҳон музейлари». Кўн дурдона-
си.
21.00 «Хаммаси мода ҳақида».
21.25 Киносалон.
22.45 «Мусикий Олимп».
23.05—23.15 «Хайри тун!».

ЖУМА, 17

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Оханга тўлсин диёр». Концерт.
8.45 «Мушоҳада баҳси».
9.20 «Соға содлим Алломшини».
9.40 «Меҳр макони».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Зийнат».
10.30 Абитурientлар, сизлар учун! Кимё.
11.00 Немис тили.
11.30 «Мен тунингиз тупроқ».
11.45 «Шум боланинг саргузаштлари». Мульт-
фильм премьераси.
12.05 «Хайт чамшалари».
12.25 — 14.00 Кундузги санъ. «У дунёдан
келган қўшқ». Бадий фильм.
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Олтин тоғ».
Телешоу.
18.35 «Юксалиш».
18.50 «Чемпион билан учрашув». Спорт
дастури.
19.05 «Қалб гаҳари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эъ-
лолар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилағимиз».
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Устозлар даврасида». Мусикий
дастур.
21.30 «Ватаним севим юмандандир...».
22.00 «Етнам». Шамси Оидил.
22.30 М. Бобоев. «Кўнгли кўчалари». Ви-
деофильм. 25-қў.
23.10 «Битик».
23.15 «Ахборот».
24.00 «Ният хайр, оқибат хайр». Бадий
фильм.
01.40—01.45 «Ватан тимсоллари».
УзТВ-II
18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бугуннинг боласи».
18.35 А. Алишбеов. «Ўзгаси ҳикоялар». 2-
курсатува.
19.00 «Экранда — Давид Колпелерид».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълолар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Акс».
20.20 «Хар лаҳзада қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Маслаҳат».
21.25 «Таггер». Телесериял.
22.15 «Даракчи».
22.25 «Хуш келибсиз».
22.45 Оханглар ва эълолар.
23.00 Экранда — мюзик. «Ёмғир остида
қўйлабтанлар».
00.35 Тунингиз хайри бўлсин!
УзТВ-III
16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун «Бинафша».
6.30—8.00
17.20—20.40
Россия жамоат телевидениеси
курсатувлари
20.40 «Кўнгли юрting сафар». Мусикий
дастур.
21.00—21.35 РДТ «Вести».
21.35 Эълолар.
21.40 Оскар совриндорлари: «Ғазаб
ўчоғи». (1941 йил). Бадий фильм.
24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).
УзТВ-IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
курсатувлари
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».
19.05 «Бу бустон аро...».
19.30 «Маънавият ва Ислом».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.10, 21.55 — Эълолар.
20.15 «Морена Клара». Телесериял.
21.00 «Бегим».
21.25 «Дурдаршан».
22.00 Кинематограф. «Муқаддима».
23.25 Араб эстрадаси.
23.55—24.00 «Мунаввар тонг истаб...».

23.35 «Ахборот».
24.00 «Ният хайр, оқибат хайр». Бадий
фильм.
01.40—01.45 «Ватан тимсоллари».
УзТВ-II
18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бугуннинг боласи».
18.35 А. Алишбеов. «Ўзгаси ҳикоялар». 2-
курсатува.
19.00 «Экранда — Давид Колпелерид».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълолар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Акс».
20.20 «Хар лаҳзада қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Маслаҳат».
21.25 «Таггер». Телесериял.
22.15 «Даракчи».
22.25 «Хуш келибсиз».
22.45 Оханглар ва эълолар.
23.00 Экранда — мюзик. «Ёмғир остида
қўйлабтанлар».
00.35 Тунингиз хайри бўлсин!
УзТВ-III
16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун «Бинафша».
6.30—8.00
17.20—20.40
Россия жамоат телевидениеси
курсатувлари
20.40 «Кўнгли юрting сафар». Мусикий
дастур.
21.00—21.35 РДТ «Вести».
21.35 Эълолар.
21.40 Оскар совриндорлари: «Ғазаб
ўчоғи». (1941 йил). Бадий фильм.
24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).
УзТВ-IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
курсатувлари
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».
19.05 «Бу бустон аро...».
19.30 «Маънавият ва Ислом».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.10, 21.55 — Эълолар.
20.15 «Морена Клара». Телесериял.
21.00 «Бегим».
21.25 «Дурдаршан».
22.00 Кинематограф. «Муқаддима».
23.25 Араб эстрадаси.
23.55—24.00 «Мунаввар тонг истаб...».

18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».
19.05 «Бу бустон аро...».
19.30 «Маънавият ва Ислом».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.10, 21.55 — Эълолар.
20.15 «Морена Клара». Телесериял.
21.00 «Бегим».
21.25 «Дурдаршан».
22.00 Кинематограф. «Муқаддима».
23.25 Араб эстрадаси.
23.55—24.00 «Мунаввар тонг истаб...».

ШАНБА, 18

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Эйрат».
9.10 «Шоҳрух» клуби.
9.30 «Шум боланинг саргузаштлари».
Мультфильм премьераси.
9.45 «Ешлар» телеканалли.
«Табиат шифохонаси».
«Маҳорат».
«Акс-садо».
«Ешлар табассуми».
«Пўлат тупроқлар».
«Мушоҳада, мунозара, муносабат».
«Калдирчоқ». Мусикий дастур.
12.05 «Тасвира қўнган кўнгли».
12.25 «Киникитой» устaxonаси.
12.35 «Муҳаббатимни куйлайман».
Мусикий дастур.
13.15 Кундузги санъ. «Оила сирлари».
Бадий фильм.
14.40—15.10 «Маънавият» Бадий-пуб-
лицистик курсатува.
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Кўлпайи ёмғир». Мультфильм.
18.05 Болалар учун. «Хизматнома».
18.20 «Мувозаъат». Ахборот-таҳлилий
курсатува.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55 — Эълолар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртақлари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз
тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Дунё қўшиққа тўлсин». М.
Асалхужаева, Н. Хайдаров.
21.30 «Отлар сўзи — ақлинг қўзи». 1-
қисм.
22.00 «Чирогой ёнқ уй». Телетаново.
22.45 «Ахборот».
«Тунги ёғду дам олиш дастури
23.10 «Куй ва тасвир».
23.30 «Тақдир сўмоқлари». Бадий
фильм. — 6-сериялар.
01.10 — 01.15 Ватан тимсоллари.
УзТВ-II
7.55 Курсатувлар дастури.
8.00 «Боланинг тили». «Цирк майдонига
йул».
9.30 «Спорт китъаси».
10.00 «Дилбар».
10.15 «Лавжой». Телесериял.
11.05 Мусикий лаҳзалар.
11.15 Яхши дам олиш.
11.35 «Жаҳжи давра».
11.55 Болалар экрани.
13.25 «Қудд».
13.55 «Онағнам».
14.15 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сир-
лиги». Телесериял.
15.05 «Исмлар тарихи».
15.20 «Гулдаста». Мусикий дастур.
15.30 «Санта-Барбара». Телесериял.
15.45 «Кўнгли кўнглига пайванда».
16.45 «Даракчи».
17.05 «Санта-Барбара». Телесериял.
17.50 «Ерилош». Мульттўплам.
18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «У ким, бу нима?».
18.30 «Спорт китъаси».
18.55 «Янги ой кичкан кеч».
19.10 «Таянч».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълолар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Учрашув». Саида Рамотова.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериял.
21.50 «Даракчи».
22.00 «Хондонингизга осийишталик ти-
лаймиз».
22.30 Оханглар ва эълолар.
22.50 Киноғоҳ. «Хитой маъзеси».
00.40 Тунингиз хайри бўлсин!
УзТВ-III
17.45 Дастурининг очилиши. Эълолар.

17.50—22.30
Россия жамоат телевидениеси
курсатувлари
20.30 Эълолар.
22.35 «Сиз уларни танийсиз».
22.55—23.20 «Бахтим, сени куйлайман».
Фильм-концерт.
УзТВ-IV
10.05 «Шанба эртанг».
11.15 «Яннингиз кашф этилиши».
12.00—12.25 «Рақслар қанотида».
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
курсатувлари
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Салатқанд сўнг».
19.55, 21.50 — Эълолар.
20.00 «Ахборот» (рус тилида). Телесериял.
20.45 «Ассалом, Франция!».
21.10 «Бу ахби дунё».
21.30 Хит-коллекция.
21.55 Киносалон.
23.35—23.45 «Хайри тун!».

ЯКШАНБА, 19

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Камал». Болалар учун кинодастур.
10.05 «Ешлар» телеканалли
«Ватанамга «Бизни қиламан».
«Истеъодлар унар бор».
«Оник давр».
«Мен билган, билмаган дунё».
«Куйла, шилғим!».
12.20 «Кўнук стартлар». Телемусобақа.
13.00 «Сурат ва сират».
13.20 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
13.55 Кундузги санъ. «Севги сароблари».
Бадий фильм.
15.30 — 15.50 «Езуви ва замон».
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.40 «Бугунжаҳон усмирлар уйинлари».
19.00 «Ўзлик». Бадий-публицистик
курсатува.
19.25, 20.00, 21.10 — Эълолар.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида).
20.05 «Оламга саёхат».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 Телевизион миниатюралар театри.
21.55 «Якшанба оқшомида». Мусикий дам
олиш дастури.
22.20 «Отлар сўзи — ақлинг қўзи». 2-
қисм.
23.10 ТВ-1 намойиш этади. Телевизион.
«Асп мўъжизаси» кинодастури
23.20 Кино янгиликлари.
23.30 «Ўзбек киноси жаҳодкорлари».
23.50 «Тақдир сўмоқлари». Бадий
фильм. 7—8-сериялар.
01.30 — 01.35 Ватан тимсоллари.
УзТВ-II
7.55 Курсатувлар дастури.
8.00 «Бугуннинг боласи».
8.20 «Пул хангомалари». Видеофильм.
9.00 «Сир».
9.20 Экранда премьера. «Робин Гуднинг
янги саргузаштлари». Телесериял.
9.45 «Эржақит».
10.05 «Дойне Велле» тақдим этади...
10.30 «Лавжой». Телесериял.
11.20 Эстрада тароналари.
11.40 Болалар экрани.
13.25 «Акс».
13.50 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сир-
лиги». Телесериял.
«ЯКШАНАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ
14.30 Курсатувлар дастури.
14.35 Хорижий эстрада. «BEATLES».
14.55 «Санта-Барбара». Телесериял.
15.20 «Бари эврий».
15.50 «Франция-98».
16.45 «Мультиянорама».
17.15 «Санта-Барбара». Телесериял.
18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Уйи тирма».
18.35 «Синфос».
18.55 «Нафосат».
19.05 Келгуси ҳафтада.
19.25, 20.00, 21.10 — Эълолар.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида).
20.05 «Кенга кен дунё».
20.20 Оханглар ва эълолар.
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Даллас». Телесериял.
22.05 «Даракчи».
22.15 «Мусиқа салтанати».
22.30 «Кинематограф». «Уйин қондиси».
22.40 ХХ асрининг сўнги чемпиони.
00.40 Тунингиз хайри бўлсин!
УзТВ-III
17.20 Дастурининг очилиши. Эълолар.
17.25—23.20
Россия жамоат телевидениеси
курсатувлари
23.20 Эълолар.
23.25 — 23.55 «Тахлилнома» (рус тили-
да).
9.00 «Хайри тонг!».
9.05 «Парле ва франса?».
9.35 «Эртанларнинг сеҳрли олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз
тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 — Эълолар.
12.00 Киносалон.
13.30 «Мусикий Олимп».
13.50 Клип-антракт.
14.00 «Ишларингиз этувчилар».
14.20 «Жонли сайра».
14.40 Кундузги санъ.
16.40 — 16.50 Клип-антракт.
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
курсатувлари
18.45 «Мултомоша».
19.00, 21.30 — Эълолар.
19.05 «Кобра». Телесериял.
19.45 «Сенинг вақтин».
20.15 Клип-антракт.
20.30 «Кўнгли кўнглига пайванда».
20.40 «Жонли сайра».
21.00 «Жаҳон киноси янгиликлари».
21.35 Киносалон.
23.35—23.45 «Хайри тун!».

(Ташкентдан гапирмавиз
ва курсатмавиз теледуртидан олинди).